

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ДАВРИЙЛИК ҚОНУНИЯТИ АСОСИДА БАХОЛАШ

Xolmirzayev Jumanazar Ergashevich o'qituvchi.,

Oqanov Quvondiq Nurilla o'g'li

Haydarov Amirbek Murod o'g'li

4-kurs talabasi.

Annotatsiya. Mazkur maqolada Jizzax viloyatining tabiiy geografik sharoiti, gidrologik va gidrografik hususiyatlari o'zaro bog'liqlik va aloqadorlik asosida davriylik qonuniyatining o'rni ko'rsatilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: *tabiiy geografik va davriylik qonuniyatlar, tabiiy geografik jarayonlar, o'ziga hoslilik, suv resurslari, geografik omillar, hududiylik, davriylik, ritmiklik, siklik, iqlimiy, geomorfologik strukturalar.*

Аннотация. В данной статье показана роль закона периодичности, основанная на взаимосвязи и взаимосвязи природно-географических условий, гидрологических и гидрографических особенностей Джиззакской области.

Ключевые слова: *Природно-географические и периодические закономерности, природно-географические процессы, своеобразие, водные ресурсы, географические факторы, территориальность, периодичность, ритмичность, цикличность, климатические, геоморфологические структуры.*

Annotation. In this article, the role of the law of periodicity on the basis of the natural geographic conditions of Jizzakh region, interconnectedness and interconnectedness of geological and geographical features is indicated.

Key words: *Natural geography and periodicity legalities, natural geographic processes, self-sufficiency, Water Resources, geographic factors, territorial, periodicity, rhythmic, cyclic, climatic, geomorphological structures.*

Сув – ер юзасида ҳаёт мавжудлигининг асосий шартларидан биридир. Лекин, ҳозирги кунда, табиатдаги барча сувлардан бевосита фойдаланиб бўлмайдди. Сув ресурслари нафақат барча чучук ва ўртача минераллашган

сувлардан иборат бўлмай, фикримизча, сув ресурслари бу – иқтисодий босқичларда ўзгариб турадиган барча чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувларидан иборат бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбаларининг йиғиндисидан иборатдир. Сув қайта тикланадиган табиий ресурслар каторига киради. Лекин бунинг учун, биринчидан, дарёлар, музликлар, ер ости сувлари захираси асрлар давомида ўзгармас бўлиши ва, иккинчидан, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиий сувларнинг ифлосланиши даражаси уларнинг сифат жиқатдан ўз-ўзини қайта тиклаш имкониятидан катта бўлмаслиги керак. Жиззах вилоятдаги табиий сув ҳавзалари ҳам асосан маъмурий жиқатдан Жиззах вилояти ҳудудига қарайди. Шунинг учун қуйида Жиззах вилоятининг сув ресурслари деб таъкидлаб ўтамиз.

Вилоятдаги сув ресурсларининг асосий манбалари дарёлар, сойлар, булоқлар, сув омборлари, кўллардаги табиий тоза сувлардан ҳамда ер остида жойлашган чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат. Қуйидаги вилоятда мавжуд бўлган юза сув ресурсларининг дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши устида қисқача сўз юритилади. Маълумки, Жиззах вилоятининг юза сув ресурслари ўлканинг иқлим ва орографик хусусиятларига боғлиқ ҳолда жуда нотекис тақсимланган. Унинг деярли учдан икки қисмини эгаллаб ётган бепоён текисликларида оқар сувлар жуда кам учрайди. Вилоятнинг асосий иккита йирик қор ва ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёси мавжуд бўлиб улар Сангзор ва Зоминсув дарёсидир. Сангзор дарёси Чумқортоғ тизмасининг шимолий ён бағридан бошланиб, Ғўралаш ва Жонтаканинг бир-бирига қўшилишдан ҳосил бўлиб, Молгузар тизмаси орқали ўтиб Жиззах воҳасига етиб келади. Дарёнинг умумий узунлиги 123 км дан иборат.

Сангзор дарёси ҳавзасининг майдони 2526 км². Ўртача кўп йиллик сув сарфи 4 м³/сек га етади. Дарё асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйингани учун март-май

ойларида тўлиб оқса, энг кам сув август-сентябр ойларида оқади. Унинг энг кўп сув сарфи 8,7 м³/сек, кам сув сарфи эса 0,6 м³/сек ни ташкил қилади.

Зоминсув дарёси сув йиғиш майдони 709 км², сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги 2094 м, дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 2,0 м³/сек, энг тўлин вақти 2,37 м³/сек, кам вақти 0,8 м³/сек ни ташкил қилади. Дарёнинг узунлиги 41 км га етади (Эшонқулов ва бошқ., 2004). Зоминсув дарёси ҳам худди Сангзор каби қор ва ёмғир сувларидан тўйингани учун, тўлин сув даври март-май ойларига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу дарё суви Зомин шаҳридан бошлаб кўплаб ариқларга бўлиниб кетади. Зоминсув, Сангзор ва Нурота тоғ тизмасининг шимолий ёнбағри сув хавзаларида жами 938 та кичик-кичик сойлар, жилға ва булоқлар мавжуд бўлиб улардан 846 тасининг узунлиги 10 км гача етиб боради. Шундан 34 тасининг узунлиги 20 км ни ташкил қилади. Фақат Сангзор ва Зомин дарёларининг узунлиги 50 км дан ошади (Чуб, 2007). Вилоятда бундан ташқари бир нечта сув омборлари қурилган бўлиб улардан қишлоқ хўжалигида ерларни суғоришда кенг кўламда фойдаланиш билан бир қаторда ушбу сув омборлари атрофида кичик-кичик дам олиш жойлари барпо қилиниб, рекреантларга хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда. Жиззах вилоятида Жиззах шаҳрининг жануби-шарқий қисмида 1965 йилда сув сиғими 90 млн м³ га эга бўлган Жиззах сув омбори қурилган. Сув омборининг энг чуқур жойи 22 м гача етиб боради. Сув омборига сув асосан Сангзор ва Ровотсой дарёлари ва Эскитуютортар канали орқали сув йиғилади. Сув омборининг умумий майдони 11 км² ни ташкил қилиб, унинг узунлиги 3,3 км кенглиги эса 5,12 км га тенг. Бундан ташқари вилоят ҳудудида Зомин дарёси ўзани тўсилиб, Зомин сув омбори Қоровултепа ва Новқа сув омборлари қурилиб ишга туширилиши натижасида вилоятда яна қўшимча 5000 гектар ерда деҳқончилик ишларини ташкил қилиш имкони яратилган. ¹

Ер табиати доимо узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, илгарилама ривожланишда ва такомиллашувдадир. Мазкур жараёнларни ўрганиш натижасида география фанида шундай қонун, назариялар яратилганки, улар биринчидан, география

¹ Аббосов.С.Б” Жиззах вилояти сув ресурсларидан самарали фойдаланиш”

фанининг ривожланиш даражасини билдирса, иккинчи томондан ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Шундай қонунлардан бири Ер табиатига хос бўлган жараён ва ҳодисаларнинг маълум муддатдан сўнг такрорланиши, яъни даврийлигидир. Қайд қилиш жоизки, табиатда қатъий, мутлақо ўхшаш жараён, ҳодисалар содир бўлмайди, балки нисбий ўхшаш, унга яқин воқеликлар кузатилади (Геренчук ва бошқ., 1984, 160 бет). Мазкур жараён ва ҳодисалар ерга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ернинг ички кучлари туфайли содир бўлади. Ер табиатида (географик қобикда) содир бўладиган жараён ва ҳодисаларнинг даврий такрорланиш муддатлари ва турлари хилма-хил кечади. Масалан, кеча ва кундуз, ойлик, мавсумий, йиллик, кўп йиллик, асрий ва ниҳоят узоқ муддатларда такрорланадиган даврий жараёнлар шулар жумласидандир. Даврийликлар мазмун-моҳиятига кўра тектоник, вулканик, сейсмик, стратиграфик (чўкинди жинсларнинг тўпланиши), иқлимий, гидрологик каби турларга эга. ²

Биз мазкур даврийлик табиий географик қонуниятларга таянган ҳолда вилоятнинг гидрологик хусусиятларига баҳо берадиган бўлсак, дарёларда ва унинг ирмоқларида кутилмаган ҳолларда бугунги кунга келиб гидрологик ходиса ва жараёнлар кузатилмоқда. Жумладан, бир неча кунлаб ёмғир ва жала ёғиши оқибатда сел келиши, тоғларда қор клўчкиларнинг ҳосил бўлиши, табиий объектларга ва ундан ташқари антропоген объектларга жуда катта миқдорда талофатлар содир бўлмоқда. Бу эса вилоятнинг жанубий ҳудудларида яққол сезилади. Чунки вилоятнинг асосий катта қисми Туркистон-Молғузар-Нурота тоғ олди ва тоғ оралиғи зонасида жойлашганлигидадир. Ушбу тоғ оралиғи зонаси ўзига хос тўйиниш хавзасига эга бўлган сув йиғуви макон ҳисобланади. Мазкур тоғли ҳудудлар нафақат сув йиғувчи хавза балки бу ерда яна шундай даврийлик ходисаларидан бири зилзилалардир. Зилзила ҳам табиатнинг энг вайронкор, кутилмаган вақтда тез содир бўлувчи қисқа вақтда кўплаб талофатлар етказувчи табиат ходисаси ҳисобланади. Айниқса бу вилоятнинг Бахмал, Зомин туманларида тез-тез содир бўлиб туради. Бугунги кунда вилоятда яна шундай

² Қаландарова Д.Д., Забиева Р.С., Назаров И.Қ.*; Ер табиати: географик қонуниятлар ва амалиёт (даврийлик қонуни). Ўзб геог жамияти 2017/49 сон.

даврий ходисаълардан яна бири олдинги йилларга ўхшамаган кутилмаган худудларда об-хаво элементларининг содир бўлиб туришидир. Хусусан, харорат, ёғин миқдори, шамол каби хаво массаларининг турлича олдинги йилларга мос келмаган нодаврий вақтларда содир бўлиши кузатилмоқда. Буни биз гидрологик кузатишлар орқали анализ қилиш чоғида аниқладик. Вилоятнинг шимолий ва жанубий худудларида жуда катта фарқли ўзгаришлар бўлаётганлиги, яъни баъзи йиллар кескин даражада иссиқ ва қуруқ келиши, баъзи йиллар жуда сернам бўлиб сел талофатларини кузатилишни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Даврийлик ходисаларидан айниқса, 2019-2020 йилларда Эрондан иссиқ ва қуруқ хавонинг кириб келиши натижасида паст босимли депрессиялар бир неча жойларда содир бўлганлигини соҳа мутахасислари томонидан таъкидланиб ўтганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Вилоятнинг тоғларида даврийлик асосида бир қуриб қолувчи, баъзи йиллар кўпайиб қолувчи сертармоқ дарёлар, катта кичик сой ва жилғалар жуда кўп. Тоғларни ўраб олган тоғолди текисликларида кўплаб сунъий гидрографик тармоқлар барпо этилган. Улар дарёлар, сойлар ва булоқлардан сув олиб, теварак атрофдаги ерларни сув билан таъминлайди. Улар эса сув омборлари ирригация каналлари, ариқлар ва шунингдек, зовур ҳамда коллекторлардан иборат. Минтақада циклик вақтларда иқлимнинг турли ўзгариш хронологиясида кузатилишича текисликларда ва айниқса, тоғолди текисликларида буғланиш жараёни жуда кучли бўлади. Чунки тоғларда ҳосил бўлган сувлар бу ерда сертармоқ ирригация каналлари ва ариқлари орқали кенг дала майдонларига ёйилиб, уларнинг катта қисми бевосита сув юзасидан, тупроқ юзасидан ва ўсимликлар орқали атмосферага транспирация (буғланади) бўлади. Бу эса ўзандаги сув массасининг камайишига таъсир кўрсатади. Бу ҳам албатта худудда ҳосил бўлган даврийлик қонунияти таъсирида ҳосил бўлган табиий омил махсули дейиш мумкин. Шунингдек даврийлик қонуниятининг яна бир жихатларидан бири Жиззах вилояти сув ресурсларининг тарқалиши энг аввало шу жойнинг ер усти геоморфологик ҳолати, ҳамда ер ости тупроқ қатламларининг жойлашиш структураларига боғлиқдир. Вилоят худудида табиий сув ресурслари нотекис

тақсимланган, тоғли раёнларда дарё тармоқлари яхши ривожланган бўлиб, текисликларда дадрёлар йўқ. Суғоришда Сирдарё, Сангзор, Зоминсув, ва Туятортар канали орқали Зарафшон сувидан фойдаланилади. Жумладан Жиззах вилояти геоморфологиясига назар ташлайдиган бўлсак, Жиззах вилояти Мирзачўл округ табиий географик ўрнига кўра жануб томондан Нурота, Молгузар ва Туркистон тизмалари билан, ғарбдан Қизилқум (округи) чўллари билан, шарқий қисмидан Сирдарё водийсининг ўрта қисми билан, шимол томондан очик текислик яъни шартли равишда Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтади. Жануби-шарқда еса 8 км кенгликдаги Хўжанд дарвозаси орқали Фарғона водийсидан ажралиб туради. Мирзачўл воҳаси тектоник жиҳатдан бир хил эмас. Воҳанинг текислик қисми шимоли-ғарбга нишаб бўлиб, денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 250- 300 м ни ташкил этади. Вилоятнинг шимолий қисми Мирзачўл текислигининг кенг текислик, жануби тоғ олди баландликлари ҳамда ботикликларга ега бўлган ўзига хос ўзаро генетик боғлиқ релйефи бўлиб, кўпинча бу генетик боғлиқлик олиб бориладиган геоморфологик тадқиқотларда қарамақарши фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Чунки жанубий қисми 4000 метргача баланд минтақалашган зонани ташкил қилса, шимолий қисми аксинча текислик ва пастекисликни ташкил қилади. Унинг шимоли-ғарбий қисмининг денгиз сатҳидан баландлиги еса 230 м, жануби-шарқий қисминики 350 м, Сирдарё соҳиллари 250 м, жануби, яъни тоғ олди зоналарининг денгиз сатҳидан баландлиги 450-530 м ни ташкил этади. Худуднинг асосий нишаблиги деярли оқимсиз, ниҳоятда улкан ботиксимон майдонга йўналган. Сирдарёнинг суви қадимдан мана шу ботикқа сизиб чиқади. Мирзачўл ана шу сизот сувлардан (табиий ёғинларни ҳам қўшганда) ҳар йили қарийиб 150-200 минг тонна тузни шимиб ютади. Табиий нишаб деярли йўқлигидан, ҳар йили фақат 5 минг тоннага яқин туз чиқариб ташланади. Демак, бу ботик худудга суғоришдан илгари ҳам туз оқиб келганлигидан далолат беради (Ғ. Йўлдошев, 2008). Шунинг учун ҳам нафақат Жиззах вилоятининг балки республика миқёсида ерларни геоморфологик жиҳатдан таҳлил қилганимизда энг паст ботик сифатида ўрганишимиз мумкин. Бинга бизда етарлича сабаблар бор, жумладан:

- Геологик ва геоморфологик жихатдан энг пастда жойлашганлиги
- Худуддаги барча ер ости ва ер усти сувларининг шимолга томон оқиши.
- Сувларнинг ҳаракати нафақат республикамиздан балки, қўшни республика Қозоғистондаги Чордара сув омборидан оқиб келиши.
- Бутун вилоят (Жиззах ва Сирдарё) вилоятларидаги ташлама оқова сизот сувлари коллекторлар орқали сизиб келиши каби омиллар шулар жумласидандир.

Даврийлик қонунияти хар бир айланма ҳаракат даври ҳаракатни энг содда бирлигидан иборат. Лекин даврларни айнан қайтарилиши кузатилмайди. Айланма ҳаракат ритмик, миқёсида энергия ва модда оқимларини аста - секин бир томонга йўналтирилган ўзгариши амалга ошади, бу эса ўз ўрнида геосфераларни таркиби ва тузилишини ўзгаришига олиб келади. Вилоятдаги гидрологик жараёнларнинг динамик ўзгариши турли табиий жараёнларнинг таъсири натижасида турлича даврий қонуниятининг ҳам ритмик ҳам циклик ходисалари рўй бериб туради. Бу эса албатта вилоятнинг гидрологик хусусиятларига таъсир этмай қолмайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Holmirzayev Jumanazar, Abdazov, J.. J.(2020). MORPHOLOGICAL FEATURES OF BURIED SOILS OF LOESS FORMATIONS OF THE PRYTASHKENT REGION OF UZBEKISTAN. Архив Научных Публикаций JSPI, 23 (1). извлечено от [https://science. i-edu. uz/index. hp/archive_jspi/article/view/1564](https://science.i-edu.uz/index.hp/archive_jspi/article/view/1564)
2. Холмирзаев, Ж. Э., & Усмонов, Ю. К. (2020). ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИРОДНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ СЕТЕЙ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ. In *ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИИ, ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ГЕОЭКОЛОГИИ* (pp. 200-203).

3. Xolmirzayev Jumanazar. (2020). Жиззах вилоятининг табиий сув ҳавзалари ва улардан самарали фойдаланишнинг географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
4. Usmanov, M. (2020). Жиззах вилояти сув ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Haydarova S. et al. Modern Technologies in Improving the Quality of Teaching //Журналестественныхнаук. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
6. Жиззах вилояти статистика бошкармаси маълумотлари. 2015й.